

Тўғридан-тўғри шартномалар асосида давлат харидларини амалга ошириш хусусиятлари

Б.Р.Амирқулов
С.Х.Донияров
ТМИ

Аннотация: Мақолада давлат харидларини тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширишнинг аҳамияти, мезонлари ва механизми ёритилган.

Калит сўзлар: давлат хариди, буюртмачи, ягона етказиб берувчи, ягона етказиб берувчилар реестри, тўғридан-тўғри шартномалар

Features of public procurement on the basis of direct contracts

B.R.Amirqulov
S.X.Doniyorov
Tashkent Institute of Finance

Abstract: The article highlights the importance, criteria and mechanism of public procurement on the basis of direct contracts.

Keywords: public procurement, customer, single supplier, single supplier register, direct contracts

Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидлари қўйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

– Ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган ягона етказиб берувчи билан давлат харидини амалга ошириш учун рухсат этилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат хариди;

– фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

– суд муҳокамасида иштирок этиш учун адвокатни (вакилни) тайинлаш билан боғлиқ бўлган давлат хариди;

– илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари каби интеллектуал фаолият натижаларининг мазкур интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳукуқقا эга бўлган ягона шахсдан давлат хариди;

– нархи (тарифи) давлат томонидан тартибга солинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди.

Давлат буюртмачилари тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган пайтдан эътиборан уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталига жойлаштириши шарт.

Тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборот маҳсус ахборот порталига жойлаштирилмаган бўлса, ушбу шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

Давлат буюртмачиси ушбу моддада назарда тутилган давлат харидларини амалга ошириш чоғида харид қилиш тартиб-таомилларининг бошқа рақобатли турларидан ҳам ушбу Конун талабларига мувофиқ фойдаланиши мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат харидини тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширишга рухсат берилса, шартнома ва шартномага оид қўшимча келишувлар Комплекс экспертиза қилиш марказида комплекс экспертизадан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Конунининг самарали ижросини, давлат буюртмачилари фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, давлат харидларининг амалга оширилишини тартибга солишини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Конунининг амал қилиши давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфсизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун амалга ошириладиган давлат харидларига, шунингдек, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидларига; фавқулодда вазиятлар юз берган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидларига; Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг референдумларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун амалга ошириладиган давлат харидларига; суд муҳокамаларида иштирок ‘тиш учун адвокат (вакил) тайинланиши билан боғлиқ

давлат харидларига; нархлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентабрдаги ПҚ-3953-сонли Қарорининг иловасидаги рўйхатга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)ни кейинчалик улар тўғрисидаги маълумотларни шартнома тузилган санадан бошлаб 3 кундан кечиктирмасдан давлат харидларининг маҳсус ахборот порталига жойлаштирган ҳолда тўғридан-тўғри шартномалар асосида харид қилиш тартибини белгиланган.

Бунда, рўйхатдаги товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат хариди бўйича тузилган шартномалар ва уларга қўшимча келишувлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасида комплекс экспертизадан ўтказилмайди 9бундан қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг (бюджет буюртмачилари учун олти минг) баравари миқдоридан ошган шартномалар ва уларга қўшимча келишувлар мустасно).

Қуйидаги товарлар (ишлар, хизматлар) давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинади¹:

1. Қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг алоҳида маҳсус савдо майдончаларидағи электрон (биржа) савдолари натижаларига кўра харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар).
2. Давлат буюртмачиси фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ хизмат сафарлари учун ва бошқа ҳолатлардаги чипталар (авиа, темир йўл ва йўналиш транспортига).
3. Давлат буюртмачиси фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ хизмат сафарлари ва бошқа ҳолатлардаги яшаш харажатлари.
4. Аввал тузилган шартномалардаги етказиб берувчилик билан алоқа, интернет ва телерадиоузатиши хизматлари бўйича харидлар.
5. Бошқа етказиб берувчи томонидан хизмат кўрсатиш имконияти бўлмаган тақдирда, етказиб берувчи томонидан аввал олиб келинган товарлар (ишлар, хизматлар)га кафолат муддати тугагандан кейин ва жорий хизмат кўрсатиш (эҳтиёт қисмларни харид қилиш), шунингдек, аввал харид қилинган дастурий маҳсулотни кузатиш ва (ёки) уни функционал кенгайтириш.
6. Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларни сақлаш ва олиб кириш (олиб чиқиш).
7. Банк (банклараро) хизматлар ва операциялар.
8. Муаллифлик назорати (ҳамроҳлиги) бўйича хизматлар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентабрдаги ПҚ-3953-сонли Қарорининг иловаси

9. Вазирлик (идора, муассаса) ва унинг таркибидаги ташкилот (муассаса) ўртасида товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харид қилиниши.

10. Спорт, маданий-оммавий тадбирлар, кўргазмалар, ярмаркалар, анжуманлар, семинарлар ва ўқув машғулотларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни ижарага олиш.

11. Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг расмий делегациялари ташрифларини таъминлаш (мехмонхона, транспорт хизматлари кўрсатиш, асбоб-ускуналарни ижарага олиш, озиқ-овқат таъминоти, таржимон хизмати), эсадалик сувенирлари, совғалар, гуллар ҳамда гул билан безатиш, ваколатхоналар учун қабуллар (кечки овқат, фуршет, кофе-брейк ва бошқалар) ўтказиш, концерт дастурлари, баннерлар ва буклетлар тайёрлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг хорижий мамлакатларга ташрифи билан боғлиқ харажатлар.

12. Оммавий ахборот воситаларида матбуот анжумани, брифинг, мавзули телекўрсатув ва бошқа тадбирларни ўтказиш, реклама жойлаштириш, мақола чоп этиш.

13. Фавқулодда ҳолатларда ваколатли идоралар томонидан тасдиқланадиган табиат ҳодисалари, эпидемиялар ва касалликлар тарқалишининг олдини олиш ёки унинг оқибатларини бартараф этиш учун бошқа зарур товарлар (ишлар, хизматлар).

14. Турап ёки нотурар жойни (иншоотни) харид қилиш ёки ижарага олиш, шунингдек унинг таъминоти бўйича эксплуатация харажатлари.

15. Табиий оғатлар ва техноген ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш; давлат буюртмачисининг тўлақонли фаолият олиб боришига таъсир кўрсатувчи коммуникациялар, механизмлар, жиҳозлар ва бошқа асбоб-ускуналарнинг ишдан чиқиши ҳолатларида аварияларни бартараф этиш учун товарлар (ишлар, хизматлар).

16. Даврий нашрлар (газеталар, журналлар)га, шу жумладан уларнинг электрон вариантларига обуна бўлиш.

17. Мажбурий суғурталаш бўйича ҳамда давлат тиббий суғуртаси доирасидаги хизматлар.

18. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган рўйхат бўйича дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмлар.

19. Маданий-оммавий тадбирларга чипталар.

20. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, вазирликлар, идоралар, давлат корхоналари ва муассасаларининг сиҳатгоҳлари ва

соғломлаштириш муассасаларига, шунингдек, болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар.

21. Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчилари ёки уларнинг расмий дилерлари ва дистрибуторларидан харид қилинган янги автотранспорт воситалари, маҳсус ва қишлоқ ҳўжалиги техникалари.

22. Бензин, суюлтирилган ва сиқилган газ, дизель ёқилғиси ва қўмир маҳсулотлари.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира фондидан, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман ва шаҳарлар бюджетлари захира фондларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар).

24. Муаллифлик ҳуқуқи учун мукофотлар (муаллифлик гонорари).

25. Маҳсус ва хизмат автотранспорти воситаларини, шунингдек, тиббиёт ускуналарини таъмирлаш бўйича хизматлар.

26. Мамлакатимиз, ҳукуматимиз раҳбарлари, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари ҳамда уларнинг вакилларининг қабуллар уйига ташрифи билан боғлиқ бўлган товарлар (ишлар, хизматлар), шу жумладан уларнинг яشاши, овқатланиши, ташкилий масалаларни ҳал этиш ва ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган бошқа харажатлар.

27. Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган билан келишилган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати госпиталлари; даволаш-профилактика ва таълим муассасалари; меҳмонхона ва ресторан хизматлари кўрсатиш; муруват ва ногиронлиги бўлган шахслар уйлари; меҳрибонлик уйлари ва интернатлар; қариялар уйлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш.

28. Халқаро ва давлатлараро даражадаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар.

29. Шартнома бўйича унинг умумий бошланғич суммасининг 10 фоизидан ошмайдиган миқдордаги қўшимча иш ва хизматларни амалга ошириш учун харажатлар.

30. Таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик жамламаларни нашр этиш (қайта нашр этиш) учун мўлжалланган қоғоз ва бошқа сарфлаш материаллари.

30¹. Халқ таълими тизимидағи умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун ўқувчиларнинг муҳандислик, робототехника, меҳатроника ва дастурий таъминот йўналишлари бўйича ўқув машғулотларда фойдаланиш

ҳамда инновацион ишланмаларни амалга ошириш юзасидан республикада ишлаб чиқарилмайдиган, хориждан олиб келинадиган хом ашёлар ва жиҳозлар.

30². Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги футбол маҳорат мактаблари учун электрон ҳисоблаш ускуналари, ўйинлар ва ўқув-машқ йиғинларини таҳлил қилиш дастурий таъминот ва ускуналар, Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси талаблари бўйича футбол тўплари, спорт кийимлари ва экипировкалар ҳамда футбол учун оёқ кийимлар

31. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг худудий бўлинмаларига, шу жумладан хорижий ташкилотлар томонидан қўрсатиладиган хусусийлаштириладиган ёки хўжалик жамиятларининг устав фондларига давлат улуши сифатида ўтказиладиган давлат активларини баҳолаш хизматлари.

32. Давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш ҳамда маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида IPO (SPO) бўйича эмиссияларни жойлаштириш учун жалб қилинадиган инвестиция воситачилари, маслаҳатчилари, шу жумладан хорижий маслаҳатчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг худудий бўлинмаларига қўрсатадиган хизматлари.

33. Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги ташкилотлар томонидан етиштирилган кўчат ва ниҳоллар.

34. Ходимлари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслардан, улар учун белгиланган тартибда ажратилган квоталар доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш.

35. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Давлат резиденцияларига хизмат қўрсатиш ва тадбирларни ташкил этиш бошқармаси тузилмасига кирадиган давлат резиденциялари худудларини ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш учун хукумат қарорлари ва топшириқлари асосида, шу жумладан пурратчилар томонидан, ушбу мақсадларга ажратилган маблағлар ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш.

36. Давлат ва стратегик буюртмачининг ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиш учун бошқа етказиб берувчи томонидан маҳсулот етказиб бериш имконияти бўлмаган тақдирда лицензия битимиға (шартномасига, контрактига) асосан товарлар (ишлар, хизматлар)нинг интеллектуал фаолият натижалари муаллифидан ёки интеллектуал фаолият натижаларидан мутлақ фойдаланиш хуқуқига эга етказиб берувчидан, шунингдек, фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш

берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари каби интеллектуал фаолият натижаларининг ушбу интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган ягона шахсдан давлат харидлари.

37. Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини тарғиб қилишга йўналтирилган хорижий компанияларнинг продюсерлик ва реклама хизматлари, хорижий телерадиокомпаниялар ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг рекламалар, репортажлар ва бошқа роликларни тайёрлаш ва трансляция қилиш бўйича хизматлари.

38. Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари лойиҳаларини бажаришда иштирок этувчи бюджет ташкилотлари томонидан тадқиқотлар ўтказиш мақсадида реактивлар ва реагентлар харид қилиш.

39. Техник тартибга солиш соҳасидаги миллий норматив ҳужжатлар, давлат стандартларини ишлаб чиқиши ва қайта ишлаш, шунингдек, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги хорижий норматив ҳужжатларни мослаштириш.

40. Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан таълим дастурларини ташкил этиш, республикага хорижий олим ва мутахассисларни, шу жумладан ватандошларни жалб этиш хизматлари.

41. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази музей экспозицияси, музей ва кутубхона фондларини шакллантириш мақсадида хорижда ва Ўзбекистонда тайёрланадиган экспонатлар, санъат асарлари, суратлар, ҳайкаллар ва бюостлар, гиламлар, матолар, қўлёзмалар ва нашр асарлари нусхалари, хариталар, паннолар, стендлар, видео-аудио ва юқори технологик намойишлар учун материалларнинг хариди.

42. Монополист корхоналар ва (ёки) устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахс, устав фонди (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахс томонидан биржа савдоларида сотилаётган маҳсулотларни харидорларга аффилланган шахс бўлган ташиш хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг автотранспортда ташиш хизматлари.

43. Олий таълим муассасалари томонидан хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни (муаллифлик ҳуқуқи бўлган ишлаб чиқарувчилардан), сарфланадиган лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) харид қилиш.

44. Фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш, даволаш, шу жумладан жарроҳлик амалиётидан ўтказиш ва реабилитацион ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларни хорижга ўқишига ва амалиётга юбориш билан боғлиқ харажатлар.

Давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфизликни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун, шунингдек давлат сирлари билан боғлиқ бўлган ҳолларда; Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган билан келишган ҳолда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдумларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун; Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари харид комиссиялари томонидан баҳоланадиган енг яхши таклифларни саралаб олиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган билан келишган ҳолда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун; суд муҳокамаларида иштирок этиш учун адвокат (вакил) тайинланиши билан боғлиқ; нархлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ти ЎРҚ-684-сон Қонуни
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартибтаомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ти Низом
3. O‘roqov U.Yu. Davlat xaridi. O‘quv qo‘llanma.T.:«Nihol print» OK, 2022. 200 b.
4. У.Ўроқов, Э.Шодмонов, Д.Бобобекова. Давлат харидларини бошқариш. Т.-2022 й.
5. У. Ўроқов. Давлат харидлари тизими: кеча ва бугун. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 8-сон, 2018 й.
6. У.Ўроқов. Давлат харидлари тизимида электрон харидлар ҳажмини ошириш масалалари. “Замонавий молиянинг миллий ва халқаро долзарб

масалалари". Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ, 2021 йил 20 май

7. Ўроқов У.Ю. Чинқулов Қ.Р. Ўзбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳуқуқий асослари. «Халқаро молия ва ҳисоб» журнали, 2017 йил 8-сон.

8. У.Ўроқов. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари. “Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги олий ўқув юртлараро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ, 2014 йил 13декабрь

9. У.Ўроқов. Фазначилик тизимида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш масалалари. “Худудлар молиявий салоҳиятини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.ТМИ, 2017 йил

10. У.Ўроқов. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўллари. “Худудлар молиявий салоҳиятини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.ТМИ, 2017 йил 12 апрель

11. N Xaydarov. Soliqlar va soliqqa tortish masalalari. O 'quv qo 'llanma. Toshkent: Akademiya, 2007

12. Т.С. Маликов, Н.Х. Хайдаров. Молия: умумдавлат молияси. Тошкент:«IQTISOD-MOLIYA, 2009

13. A.V. Vaxabov, Sh. A. Tashmatov, N.X. Xaydarov, A.V. Vaxabov. Moliyaviy savodxonlik asoslari: o'quv qo'llanma/-Toshkent- 2013

14. Ҳайдаров Н., Т. Маликов - Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни. Ўқув кўлланма, 2007

15. Т.С. Маликов, Н.Хайдаров. Финансы: государственные финансы. Учебное пособие. Экономика и финансы. Ташкент. 2009

16. Н. Хайдаров. Давлат молиясини бошқариш. Т.:«Академия, 2005

17. Н.Хайдаров. Сравнительный анализ основных макроэкономических показателей Республики Узбекистан. Международная научно - практическая конференция «Процессы цифровой трансформации в экономике, финансах и управлении в условиях пандемии». Казань – Ташкент, 4 мая 2022 г.

18. N. Xaydarov. Issues of enhancing the quality of doctoral education at higher education institutions: European Experience and practices of joint project in higher education reform process in Uzbekistan. Vita Color T.: 2014

19. U.Y.O'rroqov, M.B.Moyliyev. Mamlakat investitsiya jozibadorligini oshirish orqali xalqaro kapitalni jalb qilish masalalari. Science and Education, 2022

20. Uchqun Yunusovich Urovov, Zulayho Abdujobir Qizi Tursunova. Actual issues in the management of external debt. Science and Education, 2022. № 12

21. Uchqun O'roqov, Javohir Yomg'Irov. Davlat xaridlarini tashkil etish modellari: afzalliklari va kamchiliklari. *Science and Education*, 2022. № 12
22. У.Ю.Уроков. Узбекистонда давлат харидларининг тақомиллашувининг хукукий асослари.«Халкаро молия ва хисоб» журнали. 2017
23. У.Уроков. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишини таъминлаш йуллари.2017
24. У.Ю. Уроков. К, ишлок хужалиги субъектларини солик имтиёzlари оркали рағбатлантириш. Иктисодиёт ва таълим, 2015
25. У.Уроков. Махаллий бюджетлар мустакиллигини оширишга оид назарий карашлар. Узбекистоннинг халкаро молия тизимига интеграциялашувни кучайтириш йуллари" мавзусидаги республика илмий-амалий конференция. ТМИ. 2020
26. У.Уроков. Махаллий бюджетлар молиявий баркарорлигини белгиловчи курсаткичлар. 2020.
27. У.Ю Уроков, К.Р. Чинқулов. Узбекистонда давлат харидларининг тақомиллашувининг хукукий асослари. «Халкаро молия ва хисоб» журнали, 2017
28. У.Уроков. Max,аллий бюджетлар мустакиллигини оширишнинг устувор йуналишлари. *Science and Education*, 2022. № 6
29. У.Ўроқов. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишини таъминлаш йўллари. 2017